

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ,
ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ,
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Fil.21.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

НУКУС ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

САПАЕВА ФЕРУЗА ДАВЛАТОВНА

**МАХТУМҚУЛИ ШЕЪРЛАРИ ЎЗБЕКЧА
ТАРЖИМАЛАРИНИНГ ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛИ**

**10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик ва
таржимашунослик**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент шаҳри – 2018

УЎК: 894.375.093

КБК: 83, 3 (5)

C-31

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по филологическим наукам**

**Contents of Dissertation Abstract of Doctor of Philosophy (PhD) on
Philological Sciences**

Сапаева Феруза Давлатовна

Махтумкули шеърлари ўзбекча таржималарининг қиёсий

таҳлили 3

Сапаева Феруза Давлатовна

Сопоставительный анализ узбекских переводов поэзии

Махтумкули 23

Sapaeva Feruza Davlatovna

Comparative analysis of Uzbek translations of Makhtumkuly

poetries..... 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 47

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ,
ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ,
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Fil.21.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

НУКУС ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

САПАЕВА ФЕРУЗА ДАВЛАТОВНА

**МАХТУМҚУЛИ ШЕЪРЛАРИ ЎЗБЕКЧА
ТАРЖИМАЛАРИНИНГ ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛИ**

**10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик ва
таржимашунослик**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент шаҳри – 2018

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.2.PhD/Fil59 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Нукус давлат педагогика институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасининг www.tashgiv.uz ҳамда «ZiyoNet» Ахборот-таълим портали www.ziyounet.uz манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Қурамбоев Каримбой

филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Содиқов Қосимжон Позилович

филология фанлари доктори, профессор

Каримов Баходир Нурметович

филология фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

Урганч давлат университети

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат шарқшунослик институти, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети, Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.Fil.21.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «___» _____ куни соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100047, Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 16-уй. Тел: (99871) 233-45-21; факс: (99871) 233-52-24; e-mail: sharq_ilmiy@mail.ru)

Диссертация матни билан Тошкент давлат шарқшунослик институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (___ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100047, Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 16-уй. Тел: (99871) 233-45-21.

Диссертация автореферати 2018 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2018 йил «___» _____ даги ___ рақамли реестр баённомаси).

А.М.Маннонов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, филол.ф.д., профессор

Р.А.Алимухамедов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, филол.ф.д.

Ҳ.А.Дадабоев

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, филол.ф.д., профессор

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон адабиёти тараққиётини ўзаро адабий алоқаларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Дунё адабиётининг бебаҳо, нодир намуналарини тиллардан-тилларга таржима қилиш тажрибаси адабий алоқалар асосини ташкил этади. Хусусан, қардош тиллардан таржима ҳам айни алоқаларнинг ажралмас таркибий қисми ҳисобланади. Узоқ тиллардан (қардош бўлмаган тиллар) таржима жараёни учун таржимон катта тайёргарлик ва масъулият билан киришганидек, қардош тиллардан таржима учун ҳам худди шундай тайёргарлик зарур бўлади. Ҳар қандай адабий дурдонага санъат намунаси сифатида қараб, уларнинг поэтик мазмунини бор ҳолича иккинчи бир тилга ўгиришда жаҳон таржимашунослиги илми тажрибаларига асосланилади.

Ҳозирги дунё таржимашунослигида миллий адабиётнинг энг сара намуналарини қардош ва қардош бўлмаган тилларга таржима қилиш, жаҳон сўз санъати дурдоналарининг муайян бир тилга ўгирилган намуналарини таржимашунослик аспектида таҳлил этиш, шунингдек, эски туркий адабиётнинг атоқли вакили Махтумкули асарларининг ҳозирги туркий халқлар тилига, хусусан, ўзбек тилига ўгирилган таржималарини ўрганиш, шоир асарларида учрайдиган қадимги туркий, араб ва форс сўзларининг таржималарда берилиши, туркий тилларда мавжуд ўхшаш ва муштарак сўзларнинг кўп ҳолларда бошқа маънода келиши, Махтумкули шеърларининг ўзбек тилидаги ўндан ортиқ таржималарининг қиёсий тадқиқи сингари устувор йўналишларда илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Ҳозирги ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг янги босқичида адабиётнинг жамият тараққиётидаги ўрни, айниқса, адабий алоқалар ва бадиий таржиманинг ёш авлод маънавий-ахлоқий, интеллектуал тарбиясидаги ролига алоҳида эътибор берилмоқда. Натижада, миллий маданиятимизнинг ажралмас қисми ҳисобланган бадиий адабиётнинг миллат онги ва тафаккурини янгилашда таржима муҳим аҳамият касб этувчи манба экани ҳақидаги тушунчалар барқарорлашди. Бинобарин, «ҳозирги пайтда ҳаммамизнинг олдимизда жуда муҳим аҳамиятга эга бўлган масала, яъни китобхонликни кенг ёйиш ва ёшларимизнинг китобга бўлган муҳаббатини, уларнинг маънавий иммунитетини янада оширишга қаратилган ишларимизни янги босқичга олиб чиқиш вазифаси турганлиги»¹ ҳам бадиий адабиётнинг, хусусан таржима асарининг ғоят муҳим ижтимоий вазифа бажарувчи қадриятлар тизими эканини кўрсатади. Шунга кўра, ўзбек таржимашунослигида қардош тиллардан таржима қонунияти ва тамойилларини махсус ишлаб чиқиш, туркман шоири Махтумкули шеърларининг бир неча таржимонлар ижоди мисолидаги қиёсий тадқиқини

¹ Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – Б. 47.

амалга ошириш бугунги ўзбек таржимашунослигининг истиқболли йўналишларидан биридир.

Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори, 2017 йил 12 январдаги «Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида»ги Фармойиши, 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармонлари ҳамда мазкур мавзуга оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Мавзунинг ўрганилиш даражаси. Ўзбек адабиётшунослиги ва таржимашунослигида Махтумқули ижоди маълум даражада тадқиқ этилган. Хусусан, Ғ.Саломов, Б.Назаров, Ҳ.Абдуллаев, К.Қурамбоев, С.Рўзимбоев, Р.Йўлдошев, Б.Каримов, Э.Очилов, М.Тайлақова ва М.Сапаровларнинг ишларида Махтумқули ҳамда ўзбек адабиёти, ўзаро таъсирланув омиллари, ўзбек тилига ўгирилган айрим таржималарда сўз қўллаш каби масалаларга эътибор қаратилган². К.Қурамбоевнинг «Махтумқули – илҳом чашмаси» китобида, Э.Очиловнинг эса «Махтумқули ижоди Ўзбекистонда» номли мақоласида Махтумқули шеърларининг ўндан ортиқ таржималарига умумий шарҳ берилган, холос³.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Тадқиқот мавзуси Нукус давлат педагогика институти Ўзбек адабиёти кафедрасининг «Ўзбек

² Абдуллаев Ҳ. Ўлмас шеърят // Ўзбекистон маданияти, 1977 йил 12 апрель; Саломов Ғ. Таржима назариясига кириш. – Т.: Ўқитувчи, 1978 – Б. 71–76; Қурамбоев К. Махтумқули шеърятини Ўзбекистонда. – Т.: Фан, 1984 – Б. 59–60; Назаров Б. Махтумқулининг замонавийлиги // Ўзбек тили ва адабиёти. – Т., 2008. – № 5. – Б. 3–9. Тайлақова М., Сапаров М. Махтумқули асарлари тилининг ўзбекча таржимасига баъзи бир қайдлар // Ўзбек филологияси масалалари (Илмий асарлар тўплами). – Т.: Фан, 1990. – Б. 46–52; Очилов Э. Махтумқули асарларининг ўзбекча таржималари // Ўзбек тили ва адабиёти. – Т., 2008. – № 5. – Б. 13–23; С.Рўзимбоев, Р.Йўлдошев. Туркман тилидан қилинган таржималар ҳақида. – Урганч, УрДУ ноширлик бўлими, 2017. – Б. 13–23. Абдуллаев Ҳ. Махтумқули ва ўзбек адабий муҳити. – Т.: Фан, 1983; Юсупов Ж., Сапаров М. Магтымгули эсерлерининг өзбек дилине тержемелери барада // «Магтымгули ва дуняниң руҳи-медени гымматлыклары» атлы халқара ылымый мәсләхати тезислери. – Ашгабат, 2008. – С. 145–146; Қурамбоев К. Таржима ва таржимон масъулияти. – Т.: Чўлпон, 2007. – Б. 65–88; Очилов Э. Махтумқули. – Т.: «O'zbekiston», 2015.

³ Қурамбоев К. Шоир шеърятининг ўзбекча таржималари ҳақида // Махтумқули – илҳом чашмаси. – Т.: Тафаккур, 2012. – Б. 143–182; Очилов Э. Махтумқули ижоди Ўзбекистонда // Махтумқули. Булбул ноласи. – Т.: Nilol-nashr, 2014. – Б. 6–22.

адабиётининг туркий халқлар адабиёти билан алоқалари» мавзусида олиб борилаётган истиқболли илмий тадқиқот ишлари режаларининг таркибий қисми саналади.

Тадқиқотнинг мақсади Махтумқули шеърларининг ўзбекча таржималари мисолида қардош тиллардан таржиманинг илмий-назарий қонуниятлари ва энг муҳим тамойилларини очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

Махтумқули шеърлари таржимаси мисолида қардош тиллардан таржиманинг қулайликлари ва қийинчиликларини аниқлаш;

муайян шеърларнинг бир неча таржима нусхаларини ўзаро қиёслаш орқали уларнинг қайта таржима талабларига қанчалик жавоб беришини кўрсатиш;

қайта таржималар қиёси асосида таржимада ворисийлик масаласини очиб бериш;

қардош тиллардан таржимада алдоқчи сўзлар, сохта ва тусмол эквивалент ҳамда паронимлар ўрнини белгилаш;

бадий таржимада поэтик сўзни қанчалик ўринли ёки ноўрин қўллаганини ўрганиш орқали таржимонларнинг маҳорати ва айрим камчиликларини очиб бериш.

Тадқиқотнинг объектини Махтумқули шеърларининг Мақсуд Шайхзода, Жуманиёз Шарипов, Муҳаммад Али, Музаффар Аҳмад, Олим Тўраев, Мирза Кенжабек, Эргаш Очилов, Абдумўмин Жумаев ва Жуманазар Зулпиев⁴ ва бошқалар томонидан амалга оширилган таржималари ташкил этади.

Тадқиқот предметини Махтумқули шеърларининг ўзбек тилидаги ўндан ортиқ таржималарининг қиёсий таҳлили ҳамда таржималардаги адабий-илмий муаммолар ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация доирасидаги адабий манбаларни талқин қилишда қиёсий-типологик, бадий асарга социологик ёндашув, статистик ҳамда комплекс таҳлил усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Махтумқули шеърятининг Ўзбекистон илмий-маданий муҳитидаги ўзаро адабий таъсири, бадий таржима адабиётидаги ўрни ҳамда тарқалиш кўлами аниқланган;

⁴ Махтумқулидан // Мақсуд Шайхзода. Чорак аср девони. Танланган асарлар. – Т.: Давлат Бадиий адабиёт нашриёти, 1958. – Б. 425; Махтумқули. Танланган асарлар. – Т.: Фан, 1958; Махтумқули. Туркманнинг // Али М. Севсам, севилсам. Шеърлар. – Т.: Ф. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат, 1983. – Б. 309–310; Махтумқули. Сайланма. Янги таржималар. – Т.: Ўзбекистон – Ёзувчи, 1995; Махтумқули. Элға ёйдим насиҳат. – Т.: Янги аср авлоди, 2009; Махтумқули. Севмишам сени. – Т.: DAVR PRESS, 2016; Ёр жамолинг кўргали. – Урганч, 1999; Махтумқули. Сайланма. – Т.: Фан, 2004; Махтумқули. Дунё ўтиб борадир (Шеърлар). – Т.: Шарқ, 2007. – Б. 114–125; Махтумқули. Устозингдан айрилма. – Т.: O`zbekiston, 2012; Махтумқули. Асарлар. – Т.: Akademnashr, 2013; Махтумқули. Ҳикматлар. – Т.: O`zbekiston, 2013; Махтумқули. Булбул ноласи. – Т.: Hilol-nashr, 2014; Махтумқули. Элингга бахш айла. – Т.: Tasvir, 2017; Махтумқули-Фироғий. Сайланма. – Т.: O`zbekiston, 2008.

таржимонларнинг сўз қўллаш билан боғлиқ маҳорати ҳамда муайян олинган шеърлар таржимаси асосида қайта таржимага хос ворисийлик, анъанавийлик тамойиллари асосланган;

шоир шеърлари матнида келган диний атама ва тушунчалар таржимасидаги хато ва камчиликлар аниқланган ҳамда уларни гуруҳларга ажратиш тамойиллари ишлаб чиқилган;

таржималардаги тарихий-архаик сўзларнинг қўлланиши ва аслиятга мос шеърий матн тақдим этилишига таржимонларнинг мумтоз адабиётни яхши билиши сифатида баҳо берилган;

таржимонларнинг маълум бир шеър структураси, вазни ва қофия тизимига эркин ёндашувлари мисолида қардош тиллардан қилинадиган таржиманинг ҳам ижодий характерга эга экани исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

қардош тиллардан таржима масалалари ҳамда мутаржим маҳоратини тадқиқ қилишда зарурий илмий-назарий манба бўлади;

шоир шеърлари таржималарида таржимонларнинг орфография ва орфоэпиядаги ўзаро ўхшаш сўзлар туфайли чалғиш ҳолатларининг олдини олишга кўмаклашади;

олий ўқув юртлари тизимида «Туркий халқлар адабиёти тарихи», «Таржимашунослик муаммолари», «Махтумқулишунослик» ўқув курслари бўйича дарслик ва ўқув қўлланмалари яратишда асос бўлади;

туркий халқлар адабиёти, таржима назарияси, махтумқулишунослик бўйича маърузалар ўқиш, махсус курслар ўтишда махсус ўқув-услугий қўлланмалар ёзиш учун хизмат қилади;

қардош тиллардан таржималарга хос хусусиятларнинг талқинлари муштарак тил, тарих, маданият, урф-одат ва адабий анъаналар ривожини ва такомиллигини таъминлайди .

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқотда Махтумқули шеърлари ўзбекча таржималарининг қиёсий таҳлили асосида қардош тиллардан таржима муаммолари комплекс ўрганилиб, назарий хулосалар чиқарилганлиги, тадқиқот қардош тиллар таржимашунослиги соҳасига асосланганлиги, назарий фикр ва хулосаларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, чиқарилган илмий хулосалар ўзбек таржимонлари маҳорати ва ўзбек таржимашунослиги тарихига хос тамойилларни кўрсатади, шунингдек, қардош тиллардан таржимада мумтоз адабий матнда қўлланган диний ҳамда тарихий сўзларга тегишли муаммоларни ҳал этишда асос бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти таржимашунослар, олий ўқув юртлари талаба ва магистрантлари учун таржима назарияси ҳамда

амалиёти бўйича дарслик ва ўқув қўлланмалари ёзишда, шу билан бирга таржимонлар қардош тиллардан таржималарда фойдаланишлари мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Махтумқули шеърлари ўзбекча таржималарининг қиёсий таҳлили, қардош тиллардан таржима масалалари таҳлили жараёнида олинган натижалар асосида:

ўзбек-туркман адабий алоқалари, адабий жараён ва қиёсий таржимашуносликка доир илмий-назарий умумлашмалардан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими Қорақалпоқ гуманитар илмий-тадқиқот институтида амалга оширилган Ф1-ФА-0-43429, ФА-Ф1, ГОО2- рақамли «Қорақалпоқ фольклори ва адабиёти жанрларининг назарий масалаларини тадқиқ этиш» (2012–2016) мавзусидаги фундаментал лойиҳада фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлимининг 2017 йил 26 октябрдаги 17.01/94-сон маълумотномаси). Натижада адабий жараён ва адабий алоқалар, индивидуал услуб масалаларини ўрганишда, хусусан, Алишер Навоий, Бердақ, Ажиниёз, Махтумқули, Абай сингари ўзбек, қорақалпоқ, туркман ва қозоқ мумтоз адабиёти вакиллари ноёб асарларининг ғоявий-бадий, услубий хусусиятларини ўрганишга бағишланган илмий ишларни қиёсий-типологик жиҳатдан тадқиқ этишга ҳамда туркман ва ўзбек адабиёти ҳақидаги қарашларнинг бойитилишига муҳим асос бўлган;

Махтумқулининг ижодий фаолияти, асарларининг бадий хусусиятлари, шоир таржималарининг қиёсий-типологик жиҳатдан ўрганилиши Бердақ номидаги Миллий музейнинг экспозицион дастурларига киритилган (Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг 2017 йил 12 декабрдаги 05-04/10-12/1183-сон маълумотномаси). Натижада туркий халқлар адабиёти ва таржимашунослиги бўйича ташкил этилган кўрғазмаларни илмий-амалий жиҳатдан бойитишда муҳим манба вазифасини ўтаган;

таржимашунослик ва таржимон маҳорати бўйича олинган илмий-назарий ва илмий-услубий тавсиялар Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети туркман филологияси 5120118 – Филология ва тилларни ўқитиш (туркман тили) таълим йўналишида фойдаланилмоқда (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2017 йил 9 декабрдаги 89-03-3214-сон маълумотномаси). Натижада бўлажак педагогларни таржимашунослик ва махтумқулишунослик соҳалари бўйича тайёргарликлари самарадорлигини ошириш имконини берган;

шоир фаолияти, адабиётшунос ва таржимашунос олимларнинг Махтумқули ижоди билан боғлиқ тадқиқот ишлари, ундаги илмий-назарий, илмий-адабий, маърифий-ахлоқий қарашлари Қорақалпоғистон Республикаси Телерадиокомпаниясининг миллатлараро тотувликка доир «Адабиёт ва давр», «Сўнмас юлдузлар», «Адабий портрет», «Ёшлар учун», «Мерос» ва «Ассалому алайкум, Қорақалпоғистон», «Тарихий шахслар», «Халқ дурдонасидан» сингари телекўрсатув ва эшиттиришларда

фойдаланилган (Қорақалпоғистон Республикаси Телерадиокомпаниясининг 2017 йил 24 ноябрдаги 01-02/491-сон маълумотномаси). Натижада тадқиқот манбалари аҳолига, ўқувчи ёшларга, талабаларга, олимларга ва бадиий адабиётга қизиқувчи кенг оммага тарғиб этилиб, маданий-маърифий кўрсатувлар томошабоплиги таъминланган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси.

Мазкур тадқиқот натижалари 14 та илмий-амалий анжуманда, шу жумладан, 9 та республика, 5 та халқаро илмий-амалий конференцияларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 50 та илмий иш нашр этилган, шулардан 1 та ўқув кўлланма, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 24 та мақола, жумладан, 22 таси республика ҳамда 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, 3 та асосий боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган; ҳажми 156 саҳифадан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ишнинг долзарблиги ва зарурати, муаммонинг ўрганилиш даражаси, илмий янгилиги, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги, объекти, предмети, методлари, мақсади ва вазифалари аниқланган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, амалиётга жорий қилингани, апробацияси, нашр этилган ишлар ҳамда диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Махтумқули шеърларининг ўзбек тилидаги талқинлари кўлами**» деб номланган биринчи бобида шоир шеърларини ўзбек тилига ўгирган таржимонлар маҳорати, қайта таржима талаблари ва улардаги айрим камчиликлар юзасидан батафсил фикр юритилган.

Маълумки, қардош халқлар адабиёти тарихида атоқли туркман сўз санъаткори Махтумқули ўзига хос ўрин тутди. Унинг асарлари дунёнинг кўплаб тилларига таржима қилинган. Зеро, Махтумқули ўзбек халқи қалбига яқин бўлгани учун ҳам ўзбекнинг ўз миллий шоирига айланиб кетди. Шоир Хивадаги Шерғозихон мадрасасида таҳсил олди; умрининг муайян қисми Хоразмда ўтди. Махтумқули халқ ичида машҳур бўлгани боис у ҳақида кўплаб ривоятлар тўқилди, шеърлари тилдан тилга ўтиб, қўшиқчилар репертуаридан мустаҳкам ўрин олди. Кейинги даврда шоир ижодига қизиқиш янада кучайиб, унинг шеърлари ўн беш нафар таржимон томонидан ўзбек тилига ўгирилди. Дастлаб, Махтумқулининг шеърларини Жуманиёз Шарипов таржима қилди. Шоирнинг 314 та шеърини қамраб олган бу китоб

1958 йили «Танланган асарлар» номи билан нашр этилди⁵. Кейинчалик, бу таржималар бироз қисқартирилган шаклда 1960, 1963 ва 1976 йилларда⁶ яна жуда катта адабларда босилиб чиқди.

Ж.Шарипов Махтумқулининг, асосан, ижтимоий ва панд-насихат йўналишидаги шеърларини танлаб олгани учун у ўзбек халқи орасида дидактик шоир сифатида машҳур бўлди. Ҳукмрон мафкура тазйиқи туфайли таржимон бу шеърлардаги диний-тасаввуфий мазмундаги ўринларни ё таржима жараёнида ўзгартиришга ёки қисқартиришга мажбур бўлди. Ишда ушбу таржимага муносабатлар тарихи ва таржимадаги ўзига хос хусусиятлар батафсил талқин қилинди.

К.Қурамбоев таржимон Ж.Шарипов «таржимага катта ижодий тайёргарлик билан киришган»ини, «таржимоннинг оригинал тилини, ўша асарга мансуб бўлган халқ ҳаётини, миллий психологиясини, урф-одатларини» яхши билишини, шунинг учун «Махтумқулининг кўпчилик шеърларини оригиналдагидек равон, содда, китобхонга эстетик завқ бағишлайдиган қилиб бера олган»ини⁷ таъкидлаб, шундай ёзади: «Махтумқули шеърларидаги теран фалсафий фикрлар, қимматли ўғит-насихат мотивлари, чуқур маъно касб этиб турадиган ҳикматли сўзларнинг ўзбек тилига таржимаси ҳам асл нусхадагидек чиққан»⁸.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида Музаффар Аҳмад Махтумқулининг, асосан илгари таржима қилинмаган янги шеърларини ўзбекчалаштирди⁹. Унинг таржималари яхши, аммо уларда айрим туркманча сўз ва иборалар билан боғлиқ нуқсонлар ҳам кўзга ташланади. М.Кенжабек Махтумқулининг бир неча ўнлаб шеърларини маҳорат билан ўзбекчага ўғирди. Фикр исботи учун, «Ҳечдир, ёронлар» шеъридан олинган бир банд таржимасини мисол келтириш мумкин, яъни аслиятда:

Бу дунё дийгениң ики варақдыр,
Ярысы гарадыр, ярысы акдыр,
Бир гижә дүйш гөрдүм, эртири ёкдур,
Дүнийәниң тымсалы дүйшдүр, яранлар!

Таржимада:

Бу дунё деганинг икки вароқдир:
Ярмиси кародир, ярмиси оқдир,
Бир кеча туш кўрдим, давоми йўқдир,
Дунёнинг тимсоли тушдир, ёронлар!

⁵Махтумқули. Танланган асарлар. – Т.: Фан, 1958.

⁶Қаранг: Махтумқули. Танланган асарлар. – Т.: Ўздабийнашр, 1960; Махтумқули. Танланган асарлар. – Т.: 1963; Махтумқули шеърлятидан. – Т.: Ўзбекистон КП МК нашриёти, 1976.

⁷Қурамбоев К. Махтумқули шеърляти Ўзбекистонда. – Т.: Фан, 1984. – Б.56–57.

⁸Ўша ерда. – Б. 57–58.

⁹Махтумқули. Сайланма. Янги таржималар. – Т.: Ўзбекистон – Ёзувчи, 1995.

М.Кенжабек Махтумқулининг аруздаги ғазал ва мухаммасларини ҳам мумтоз вазнга мос равишда таржима қилгани кузатилади. Шунингдек, бошқа таржимонлар арузни яхши билмаганлари учун айнан шоирнинг аруз вазнидаги шеърлари таржимасида айрим сакталикларга йўл қўйгани ҳам аниқланди. Диссертацияда бундай масалалар, таржимонларнинг маҳорати ва таржима хусусиятлари батафсил таҳлил қилинди.

Махтумқули ижодидан қилинган таржималар ўзбек таржима-шунослигида қайта таржима муаммосини муҳокама этишга ҳам имкон беради. Махтумқули асарларининг таржимонлари ўз фаолияти давомида кўлам ва ҳажмига кўра турлича таржима маҳсуллари тақдим қилишди. Натижада, шоир шеърларидан кўпчилигининг икки, уч, айримларининг ҳатто олти, етти таржима нусхалари пайдо бўлди.

Таржимашунос Э.Очилов рубоий таржимаси мисолида бу адабий ҳодисани бир қадар ўрганган. Унинг ёзишича, «Қайта таржимага қуйидаги омиллар сабаб бўлади:

1. Йиллар ўтиши билан ҳар қандай таржима лисоний жиҳатдан эскиради ва янги давр ўқувчиси уни ўқишга қийналади, тушуниши мушкуллашади...

2. Ҳар қандай мутаржимнинг ҳам буюк сўз усталари «панжасига панжа» ургиси, ўз имконияти, истеъдод кучини чамалаб кўргиси келади ва қайта таржимага қўл уради...

3. Илгари воситачи тил орқали ўгирилган асарларни эндиликда аслиятдан таржима қилиш кенг қулоч ёзаяпти...

4. Аввалги таржималарнинг савияси пастлиги, талабга жавоб бермаслиги ҳам қайта таржималарни зарур қилиб қўяди»¹⁰. Қайта таржимага тегишли масалалар муҳокамасида шу каби илмий-назарий тамойиллар эътиборга олинди.

Аслида, муштарак анъаналар, ягона шеърый тизим асосида ривожлангани жиҳатидан ўзбек ва туркман шеърятини бир-бирига ўгиришда қатор қулайликлар мавжуд: вазн бир – аруз ёки бармоқ, байту бандлар тузилиши ўхшаш, қофия, радиф ва бадий санъатларнинг кўпчилиги ҳар икки миллий шеърятда ҳам мавжуд. Лекин ҳамиша ҳам сўзлар, сатрлар, қофия ва радифлар айнан таржима тилига ўтавермайди – гоҳ соф туркманча, гоҳ арабча-форсча сўзлар, қофиялар мисраю бандлар қурилиши ўзгаришини тақозо қилади. Ҳақиқий мутаржимнинг бадий маҳорати аслиятга мувофиқ сўз ва қофиялар топа олиши ҳамда шеърнинг ғоявий мазмунини тугал сақлай билишида кўринади. Қайта таржима муаммоси муҳокамаси учун айрим статистик маълумотларга эътибор бериш фойдали бўлади. Масалан, Мирзо Кенжабекнинг таржимасидаги 170 та¹¹ шеърдан 67 таси илгари Ж.Шарипов, 10 таси М.Аҳмад ва 9 таси О.Тўраевлар томонидан таржима қилинган эди. Демак, бу таржималарнинг 86 таси қайта таржима.

¹⁰ Очилов Э. Рубоий таржимасида шакл ва мазмун бирлиги. Филол.ф.н. дисс... – Т., 1994. –Б 93–94.

¹¹Махтумқули. Сайланма. – Т.: Фан, 2004.

Шу нуқтаи назардан битта шеър таржимасидаги турли-туманлик, ўзгариш ва бузилишлар Ж.Шарипов, М.Кенжабек, А.Жумаев ва Ж.Зулпиев, М.Аҳмад ҳамда О.Тўраев таржималари мисолида кўрсатилди. Қайта таржима ва таржимашунослик илмидаги энг муҳим тамойиллардан бири шуки, биринчидан, таржимонлар қайта таржима жараёнида ўзлари йўл қўйган хатоларни, албатта тузатишлари; иккинчидан, ўзларидан аввалги таржималар ва улар устида олиб борилган тадқиқотлардан хабардор бўлишлари; учинчидан, салафларининг хатоларини такрорламасликлари лозим. Шунингдек, бобда Махтумқулининг «Кўринг» номли шеъри таржималарининг қиёсий таҳлиллари мисолида қайта таржимада аввалги таржимоннинг баъзи поэтик топилмалари кейинги таржималарда такрорлангани таҳлили жараёнида ворисийлик масаласи илк бор тадқиқотга тортилди.

Тадқиқотнинг иккинчи боби «Қардош тиллардан таржима муаммолари» деб номланган бўлиб, унда таржимадаги сохта эквивалент, паронимлар ва тусмол эквивалентлар таржимаси каби масалалар тадқиқ қилинди.

Таржимашуносликда «таржимоннинг сохта дўстлари», «ёлфончи сўзлар», «алдоқчи сўзлар» номлари билан юритиладиган сохта эквивалент деган тушунча бор. «Шаклан ўхшагани билан маънолари бир-биридан жиддий фарқ қиладиган сўзлар сохта эквивалентлар деб қабул қилинган»¹². Бу тушунча XIX аср охирларида илк бор тилга олинади. XX аср бошларидан у жиддий ўрганила бошланди. Француз луғатшунослари М.Кеслер ва Ж.Дерокини биринчи марта «Инглизча-французча таржимоннинг алдоқчи дўстлари» деган луғат тузган эдилар. Кейинчалик бу тил ҳодисасини ифода этиш учун бошқа терминлар ҳам пайдо бўлди. «Тиллараро омонимлар», «тиллараро аналогизмлар», «оҳангдош сўзлар», «алдоқчи сўзлар» ва бошқа тушунчалар шулар жумласидандир¹³. Ўзбек таржимашунослиги атамалари қаторидан «алдоқчи сўзлар» термини ўрин олди.

В.В.Акуленко бундай шаклан ўхшаш, лекин мазмунан фарқли сўзларни «тиллараро омонимлар» ва «тиллараро паронимлар» тарзида иккига ажратади¹⁴. Тиллараро омонимларга «шаклан ўхшаш, аммо маънолари ҳар хил сўзлар», тиллараро паронимларга «сўзларнинг талаффуздаги тасодифий ўхшашлик»ни¹⁵ киритади. М.Тайлақова ва М.Сапаровлар Махтумқули шеърларининг Жуманиёз Шарипов томонидан амалга оширилган таржималарини айти шу илмий-назарий тасниф асосида текширадилар¹⁶.

¹² Саломов Ғ. Тил ва таржима. – Т.: Фан, 1966. – Б. 277.

¹³ Berdak Yusuf. Önsöz // Turkcha-o`zbekcha «aldoqchi» so`zlar lug`ati. – Т.: Voris-nashriyot, 2009. – Б. 5.

¹⁴ Қаранг: Акуленко В.В. О ложных друзьях переводчика // Англо-русский и русско-английский словарь «ложных друзей переводчика». – М.: Советская энциклопедия, 1969. – С. 371–372.

¹⁵ Очилов Э. Махтумқули асарларининг ўзбекча таржималари // Ўзбек тили ва адабиёти. – Т., 2008. – № 5. – Б. 15.

¹⁶ Тайлақова М., Сапаров М. Махтумқули асарлари тилининг ўзбекча таржимасига баъзи бир кайдлар // Ўзбек филологияси масалалари (Илмий асарлар тўплами). – Т.: Фан, 1990. – Б. 46–53.

Таржимашунос З.Исомиддинов улар қаторига яна «тусмол эквивалентлар» деган тушунчани қўшади. Олимнинг ёзишича, яқин туркий тиллардан «таржима асарлари матнидаги хато ва нуқсонларнинг ўндан тўққиз қисмини «сохта эквивалентлар»га ўхшаган, аслида эса – агар шундай аташ мумкин бўлса – «тусмол эквивалентлар» ташкил қилади»¹⁷. Маълум бўладики, сохта эквивалентлар, паронимлар ва тусмол эквивалентлар мавжуд. Ишда қардош тиллардан таржиманинг асосий муаммоси эканлиги ва энг кўп учраши жиҳатидан Махтумқули шеърларининг ўзбек тилига таржималарида сохта эквивалентлар масаласи алоҳида, пароним ва тусмол эквивалентлар муаммоси эса биргаликда ўрганилди.

Албатта, сохта эквивалентлар бўйича бир қатор тадқиқотлар амалга оширилган¹⁸. Тадқиқотда Махтумқули шеърлари таржимасидаги сохта эквивалентлар ҳам бошқа таржималарни Ж.Шарипов таржимасига қиёслаш асосида тадқиқ қилинди. Бизда қардош тиллар муаммолари, уларнинг ўзаро ўхшаш ва фарқли қирралари чуқур ўрганилмайди, ўзаро яқин тиллар бўйича дарслик ва махсус луғатлар ҳам йўқ. Шунинг учун ўзбек таржимашунослиги илмида қардош тилларнинг индивидуал хусусиятларини яхши биладиган мутахассисларга зарурат ҳар доим сезилади. Қардош тиллардан амалга ошириладиган таржималарда хато-камчиликлар ўтиб кетишини шу билан изоҳлаш тўғри бўлади. Бу мулоҳаза туркман тилидан таржима қиладиган мутахассисларга ҳам тегишли. Туркман тилини профессионал даражада билмаганлари учун деярли барча таржимонлар соф туркманча сўзлар таржимасида кўплаб хатоларга йўл қўйишади. Масалан, кўп таржимонлар *беваж* сўзини таржима қилмай, айнан қолдиришади. Туркман тилида *бивеч* – *йўлдан озган, гумроҳ, бузуқ, фосиқ, саёқ, ярамас, қўлидан иш келмайдиган, бир пулга қиммат одам* каби салбий маъноларда қўлланади. Ўзбек тилида эса (бирор сабаб, асос бўлмагани ҳолда; важсиз, сабабсиз) маъноларини билдиради. Бинобарин, Махтумқулининг:

Гумрах болуп, ёл йитирдим,
Отурдим *бивечлер* биле.

каби мисраларини Ж.Шариповнинг:

Гумроҳ бўлиб, йўл йитирдим,
Ўлтирдим *беважлар* билан.

¹⁷Исомиддинов З. «Алдоқчи сўзлар» билан баҳс // Таржима санъати (Мақолалар тўплами). 5-к. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат, 1980. – Б.161.

¹⁸Рыльский М.Ф. Художественный перевод с одного славянского языка на другой. – М.: АН СССР, 1958; Акуленко В.В. О ложных друзьях переводчика // Англо-русский и русско-английский словарь «ложных друзей переводчика». М.: Советская энциклопедия, 1968. – С. 371–384; Бозоров М. Проблемы перевода лексических параллелизмов и ложных эквивалентов. АКД: Т, 1982; Қураббоев К. Махтумқули шеърини Ўзбекистонда. – Т.: Фан, 1984. – Б. 52–60; Очилов Э. Яқин тиллардан таржима муаммолари // Таржима масалалари (Мақолалар тўплами). – Тошкент: Шарқшунослик институти, 2012. – Б. 7–23.

тарзида таржима қилиши тўғри эмас. Э.Очилов уни:

Гумроҳ бўлиб, йўл йитирдим,
Топишдим бебошлар билан.

деб тўғри таржима қилган. Лекин бу сўз кўпинча бошқа таржимонларда ҳам айнан қолдирилади. Ёки: «*Магтымгулы айдар, багтым бивечдир*» мисрасини Ж.Шарипов «*Махтумқули, билдим: бахтим беваждир*» деб таржима қилади. М.Кенжабек ҳам мисрани худди шундай сўзма-сўз таржима қилади: «*Махтумқули айтар: бахтим беваждир*». Афсуски, туркман тилидан яхши хабардор А.Жумаев ва Ж.Зулпиевлар ҳам бу борада аввалги таржимонлар хатоларини такрорлаганлар.

Изланишлар натижасида сохта эквивалентлар таржимаси борасида Махтумқули таржимонлари жуда кўп хато-нуқсонларга йўл қўйишгани кузатилди. Таржима ва аслият таққосланганда *ат, кифоят, хатыра, яд* каби қатор туркманча сўзларнинг ўзбекчага ўгирилган вариантлари сохта эквивалент сифатида қиёсий муҳокама қилинди.

Қардош тиллардан таржимада таржимонни чалғитиб, унинг хато қилишига сабаб бўладиган тил ҳодисаларидан бири паронимлардир. «Паронимлар талаффузнинг ўхшашлиги, морфем составининг қисман яқинлиги туфайли ёзувда, нутқда адаштирилиши мумкин бўлган, қофиялашда, шунингдек, сўз ўйинида ишлатиладиган бошқа-бошқа маънодаги сўзлардир»¹⁹. Бадиий адабиётда паронимлардан услубий усул сифатида ҳам кенг истифода қилинади. Пароним деганда рус тилшунослигида кўпинча «бир сўз туркумига мансуб, бир хил ўзакли сўзлар» тушунилса, ўзбек тилшунослигида эса нафақат бир хил ўзакли сўзлар, балки эшитилиши бир-бирига ўхшаш ҳар хил ўзакли сўзлар ҳам паронимлар деб тушунилади (мас., *шараф – шароб, афзал – абзал, тариф – таъриф, энлик – эллик, соғлиқ – совлиқ*)»²⁰.

Шундай қилиб, «паронимлар а) соф ўзбекча сўзларнинг; б) бошқа тилдан ўзлаштирилган сўзларнинг; в) ўзлаштирама ва соф ўзбекча сўзларнинг талаффуздаги тасодифий ўхшашлиги, яқинлиги туфайли, яъни турли тилларнинг ўзаро муносабати ва ўзаро таъсири натижасида юзага келадиган тил ҳодисаси»²¹ саналади. Қардош халқлар адабиётидан таржимада нафақат тиллараро омонимлар, балки тиллараро паронимлар ҳам муаммо туғдиради. «Яқин тиллардан таржима қилинаётганда сўзларнинг талаффуздаги тасодифий ўхшашлиги, яқинлиги туфайли, яъни турли тилларнинг ўзаро муносабати ва ўзаро таъсири туфайли юзага келадиган тил ҳодисалари ҳам

¹⁹ Алиқулов Т. Паронимлар ҳақида // Маъруфов А. Паронимлар луғати (Талаффузи яқин сўзлар). – Т.: Ўқитувчи, 1974. – Б. 5.

²⁰ Мадвалиев А. Паронимлар // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 6-жилд. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси Давлат илмий нашриёти, 2003. – Б. 695.

²¹ Алиқулов Т. Паронимлар ҳақида. // Маъруфов А. Паронимлар луғати (Талаффузи яқин сўзлар). – Т.: Ўқитувчи, 1974. – Б. 6.

таржимонларни чалғитади»²². А.Мадвалиевнинг ёзишича, паронимларни «қўллашда фарқламаслик, уларни адаштириш тил ҳодисаси эмас, балки муайян тил вакилларининг шу тил луғавий меъёрларини етарли даражада эгалламаганлигининг натижасидир»²³. Паронимлар таржимаси тўғрисида ҳам шундай дейиш мумкин – бу борадаги хатолар таржимонларнинг аслият тилини яхши билмасликлари, икки тилли луғатлардан фойдаланмасликлари сабабли келиб чиқади. Махтумқули шеърлари М.Аҳмад, М.Кенжабек, О.Тўраев, А.Жумаев, Ж.Зулпиев, Н.Муҳаммад, М.Азим ва бошқалар томонидан таржима қилиндики, улар таржимасида ҳам кўплаб шундай хатоларни кўрамиз. Тадқиқотда *ышк*, *агмак*, *башарсаң*, *сўна* каби қатор туркманча сўзлар паронимлари билан биргаликда таҳлилга тортилди.

Махтумқули шеърларини ўзбек тилига қилинган таржималарида тусмол эквивалентлар, яъни – аслиятдаги сўзларни таржима тилидаги бирор сўзга ўхшатиб, тахмин қилиб таржима қилиш ҳолатлари ҳам кўплаб учрайди. Туркман тилидан ташқари, қадим туркий, форс ва араб тилларини ҳам яхши билмаганлари учун таржимонларни сўзларнинг ёзилиш шакли ва турли қўшимчалар олиши ҳам чалғитиши мумкин. Натижада, *авун* – *овнинг* сўзини *қовун*, *шакер* – *шокир* (шукр қилувчи, қаноатли) сўзини *чокар* (хизматкор), *пайыз* – *файз* сўзини *фоиз*, *гуллуқ* – *хизмат* сўзини *қуллуқ*, *турген* – *моҳир* сўзини *турғун* ва бошқа кўплаб сўзларни шу тарзда тусмоллаб таржима қилинганлиги ишда мисоллар билан қиёсий асосда ёритишга ҳаракат қилинди. Чунки тахмин қилиб, тусмоллаб таржима қилиш аслида тил билмасликдан, у ёки бу сўз ва иборанинг маъносини тушунмасликдан келиб чиқади. Бу каби ҳодисаларни таржимашунослик илмида оқлаб бўлмаслиги юзасидан умумлашма фикрлар берилди.

Диссертациянинг учинчи боби «**Шеърый асарнинг поэтик қиймати ва таржимон маҳорати**» деб номланади. Бу бобда шеърый таржимадаги муқобил сўз муаммоси ҳамда диний атамалар таржимасидаги мураккабликлар муҳокама қилинди. Аслида, бошқа тиллардан таржима қилинган асарлар ўз бадиияти, таъсир қуввати билан ўқувчилар оммасига завқ бериши, қалбини гўзалликка ошно қилиши лозим. Бадиий ижоднинг туб моҳиятига, сўз санъатининг специфик табиатига тааллуқли бўлган бу хусусият ортиқча исбот талаб қилмайди. Шу маънода бадиий таржимага сўз орқали қайта яратиш санъати сифатида қараш ўринлидир. Таржимада сўзнинг ўрни беқиёс. Топиб ўрнига қўйилган биргина сўз таржимага бадиий тус-ранг бериши, аксинча, ноўрин қўлланган битта сўз айни шу гўзалликка доғ тушириши ҳам мумкин. Зеро, Ғ.Саломов ва Н.Комиловлар ҳақли равишда таъкидлаганларидек: «Таржимада сўзни топиб, ўз жойига қўя билиш жуда муҳим иш. Агар бир сўз ёки ибора, борингки, қандайдир бир грамматик қўшимча ҳам ўз ўрнига тушмаса ёхуд сал ясамароқ чиқиб қолса, бутун

²² Тайлақова, М.Сапаров. Махтумқули асарлари тилининг ўзбекча таржимасига баъзи бир қайдлар // Ўзбек филологияси масалалари (Илмий асарлар тўплами). – Т.: Фан, 1990. – Б. 50.

²³Мадвалиев А. Паронимлар. – Б. 695.

асарнинг тароватига путур етиши ҳеч гап эмас»²⁴. Шунинг учун, мазкур бобда таржимонларнинг маҳорати айнан уларнинг сўзга муносабати, у ёки бу сўзни қанчалик топиб ўз ўрнида қўллай билган-билмагани мисолида кўриб чиқилди ҳамда шеърӣ таржимада сўзнинг ўрни, вазифаси, мақоми хусусида сўз юритилди.

Яқин қардош тиллардан таржимада таржимонни икки хавф таъқиб этади: биринчиси – тиллараро омонимлар бўлса, иккинчиси – таржима тилининг миллий колорити таъсирига тушиш, – деб таъкидлаган эди таниқли таржимашунос М.Ф.Рильский²⁵.

Таржимонлар аслият таъсиридан чиқиб кетиб, унга эркин ижодий муносабатда бўлиши лозим. Матн таъсиридан қутулиш учун заҳмат чекиш, изланиш керак.

Тўғриси, аслиятга ёпишиб олишдан таржима фақат зарар кўради. Бундай таржимада, одатда, туркман тили таъсири кучли бўлиб, кўпинча ифода ўзбекча чиқмай қолади. Масалан, «*Гуноҳим гузаит айла*». Ҳолбуки, шуни «*Гуноҳимни афв айла*» ёки «*Гуноҳимни кечиргил*» деб соф ўзбекча таржима қилиш мумкин эди. Таржимон баъзида эркин ҳаракат қилишдан чўчимаслиги керак. Матнга ёпишиб олганда таржима муваффақиятли чиқмайди.

Аслиятда:

Диллер диер гөрүп-гөрүп,
Акыл кесер соруп-соруп.

Ж.Шарипов таржимаси:

Тиллар айтар кўриб-кўриб,
Оқил кесар ўйлаб туриб.

Туркман тилида *кесмек* сўзининг маъно доираси кенг бўлиб, улардан бири – *баҳоламоқ*, *баҳо бермоқ*. Бу ерда у айни шу маънода келаяпти. *Акыл* сўзи ҳам бу ерда *оқил* эмас, *ақл* маъносида қўлланган, яъни: «*Тиллар кўриб-кўриб айтса, ақл сўраб-сўраб баҳолайди*». Биринчи мисрада тил ҳақида сўз бораётгани иккинчи мисрада *ақл* сўзини тақозо қилаяпти. Қолаверса, мисраларда ифодаланаётган фикр мантиғи ҳам – шу. Ж.Шарипов талқинидагидек, *оқил*нинг ўйлаб туриб гапни кесиши учун олдинги мисрада шунга асос бўладиган фикр келиши керак эди.

Туркман тилида *кесилмоқ* сўзининг *тўхтатилмоқ* маъноси ҳам бор. Бинобарин, «*Азанлар кесилип, месэжит япылып*» мисрасини «*Азонлар кесилиб, масжид ётилиб*» тарзида таржима қилиб бўлмайди. Чунки ўзбек тилида азонга нисбатан *кесилмоқ* сўзи ишлатилмайди, *тўхтатилиб* дейилади.

²⁴ Саломов Ғ., Комилов Н. Жаҳонгашта рубоийлар // Таржима санъати (Мақолалар тўплами). 3-к. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат, 1976. – Б.130.

²⁵ Рильский М. Искусство перевода (Статьи, заметки, письма). – М.: Писатель, 1986. С. 41.

Э.Очилов бу мисрани «*Азон унутилиб, масжид ётилиб*» деб хато ўзбекчалаштиради.

Шоирнинг «Гўзал Шерғози» шеъри таржимасида *ақлим тўлишиди, билимим ошди* маъносидаги *кэсэм гайнады* иборасини М.Аҳмад ҳам, А.Жумаев ва Ж.Зулпиевлар ҳам айнан қолдирадиларки, ўқувчи ундан бир нарса тушунмайди. Ишда таржималардаги бундай ҳолатларни Махтумқули шеърларининг турли таржимонлари ижоди мисолида ёритиб берилди.

Сўз қўллаш билан боғлиқ муаммолардан бири матнга классик рух бериш мақсадида архаик сўзларни суиистеъмол қилиш, тарихий лексикага оид ифода ва қўшимчаларни сақлаш ёки уларни атай тикиштиришга уринишдир. Маълумки, мумтоз асарларни таржима жараёнида биратўла замонавийлаштириш ўзини оқламайди. Нимадир уларнинг тарихий-адабий мерос, ўтмиш обидаси эканини англатиб туриши керак. Ўша унсур қадимий сўз ва иборалар бўлиб, таржимада улардан меъёрида фойдаланиш талаб этилади. М.Аҳмад, М.Кенжабек, М.Азим, А.Жумаев ва Ж.Зулпиев каби таржимонлар эса ўз таржималарида кўпинча архаик сўзларни суиистеъмол қиладилар, *унинг* олмошини *анинг, онинг, бўлмас* феълини *ўлмас, ўхшар* феълини *менгзар, -дир* қўшимчасини *-дур, эрур* тарзида қўллаш билан матнга ўтмиш руҳини беришга ҳаракат қилишади. Ҳолбуки, таржимада асосан замонавий ўзбек адабий тилига риоя этиш муҳим.

